

**Жамғариб бориладиган  
пенсия бўйича**

## **1. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими**

Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масалалари «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига асосан тартибга солинади.

2005 йилдан жорий этилган мазкур тизим амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосида пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида жорий қилинди.

## **2. Жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари**

Юридик шахслар – иш берувчилар, уларда меҳнат шартномаси асосида ёлланиб ишловчи фуқаролар пенсия тизими иштирокчилари ҳисобланади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари ва вақтинчалик иш фаолияти билан шуғулланмайдиган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

## **3. Мажбурий пенсия бадаллари**

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳар ойда уларга ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдорида бадал белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан:

-фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий пенсия бадаллари бюджетга тўланадиган солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилган;

-2005 йилнинг 1 июлидан эътиборан барча юридик шахслар фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни жисмоний шахсларнинг даромад солиғи билан биргаликда мазкур солиқ учун белгиланган шакл ва муддатларда амалга ошириш тартиби жорий этилган.

## **4. Мажбурий пенсия бадалларини ойлик иш ҳақига таъсири**

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўланиши натижасида ишлаётган фуқаролар учун иш ҳақидан (даромадидан) ҳеч қанақа йўқотиш бўлмайди. Ишловчи фуқаронинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилаётган ҳар ойлик пенсия мажбурий бадаллари ушбу ходимнинг даромадига қонунда белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан чегириб қолинади.

Мисол учун, корхонада ишловчи ходимга 2011 йил январь ойи учун 500.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланса, бу ҳолда жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари миқдори 5000 сўмни ташкил этади ва ушбу миқдор ходимнинг даромадидан Ҳисобланган 65238,5 сўм солиқ суммасидан чегирилиб, фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағига ўтказилади. Натижада ишловчи фуқаронинг нақд пулда олаётган ойлик маоши миқдори ҳеч қамаймайди.

Бундан ташқари, Қонуннинг 14-моддасига асосан фуқароларнинг шахсий

жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида тўпланган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда бу маблағлар ҳисобига берилган пенсиялар солиқ тўлашдан озод қилинади.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 31-банди 2-қисмига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтирилган суммаларига солиқ солинмайди.

#### **5. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари**

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

Қонуннинг 5-моддасига асосан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади.

Шунингдек, Қонуннинг 10-моддасида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

#### **6. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким пул маблағини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Фуқаролар шахсий жамғарма пенсия маблағларини олишлари давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлинган пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма - ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли оловчи томонидан белгиланади.

Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар ўз жамғармаларини бирданига олишлари мумкин.

#### **7. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида назорат**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-110-сонли Қарорига асосан юридик шахслар томонидан жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг тўғри, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб берилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган.

#### **8. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини киритиш учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.